



## Хизмат кўрсатиш:

# КИЧИК ДУКОНЛАР ЎРНИДА ЙИРИК САВДО-КЎНГИЛОЧАР МАСКАНЛАР

Ўртимизда sanoat, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш баробарида хизматлар соҳасининг иқтисодийдаги улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, 2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури амалга оширилиб, шаҳар ва қишлоқларимизда бугунги кун талаби ва аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда савдо ва хизмат кўрсатиш кенгаймоқда. Бу ишлар самарасида ўтган йил хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга ўсди, 2023 йил якунига қадар эса кўрсаткичларини икки баробар ошириш кўзда тутилган.



Азалдан йирик савдо ва туризм маркази бўлган Самарқандда бу борада истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, замонавий хизматлар йўлга қўйилмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг беш ойи давомида вилоятда ҳудудий дастурлар доирасида 3,5 триллион сўмлик 58 та лойиҳа ишга туширилиб, 528 та янги иш ўрни яратилди. Автомобиль йўллари бўйида 4,1 триллион сўмлик 97 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 221 та иш ўрни яратилди.

Хизматлар соҳаси кам сармоя сарфлаб, кўп даромад олиш мумкин бўлган ва аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти кенг соҳа ҳисобланади, **– дейди вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Даврон Расулов.** – Вилоятимизда ҳам ушбу соҳани ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари ҳамда дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Аввало, ҳар бир туман ва шаҳарнинг иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш да-

ражаси ҳамда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, 10 мингдан зиёд лойиҳа ишлаб чиқилди. Шу пайтгача уларнинг 449 таси амалга оширилди.

Вилоят ҳудудидан ўтган М-37 ва М-39 автомагистраллари ва бошқа йирик автомобиль йўллари ёқасида 360 та лойиҳада хизмат кўрсатиш фаолияти йўлга қўйилди. Кўп қаватли уйлarning фойдаланилмай турган ертўлларида хизмат кўрсатиш нукталари ташкил этиш бўйича ҳозиргача 170 та уй ертўлида шохобчалар ишга туширилди. Бундан ташқари, вилоятдаги маҳаллаларда хатлов ўтказилиб, қаерда, қайси хизмат турини йўлга қўйиш зарурати борлиги аниқланди ва айни пайтда 7,5 мингта шохобча яратилмоқда. 23 маҳаллада “Обод маҳалла маскани” ташкил этилиб, савдо ва маиший хизмат мажмуалари очил режалаштирилди.

Ургут туманидаги 11 маҳалла туризмга ихтисослашади. Ушбу ҳудудларда сайёҳлик учун қулай инфраструктура яратиш мақсадида 220 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Тадбиркорлик субъ-

ектларига эса 50 миллиард сўм кредит ажратиш кўзда тутилган. Худди шундай, Самарқанд шаҳрида маҳаллий аҳоли ва сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатиш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилади.

Шаҳардаги кафе ва ресторонларда хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш мақсадида уларга белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда кечая кундуз фаолият кўрсатишга рухсат берилди.

Таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг шу йил 27 январь куни қабул қилинган “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имкониятини берди. Жумладан, вилоят ҳудудида кўчма савдо дўконлари ташкил этиш учун 2,5 мингта бўш ер майдонлари аниқланди, шу пайтгача уларнинг 2200 таси аукцион савдоларига чиқарилди. 920 таси бўйича талабгорлар аниқланди, улар ўз фаолиятини бошлади.

Самарқанд шаҳри марказида жойлашган ва собик иттифок даврида бунёд этилган йирик савдо мажмуаси (ГУМ) таъмирталаб аҳволга келиб, деярли харидорлар кирмай қўйилган. Хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда тадбиркорларга яратиб берилаётган имтиёзлар натижасида мазкур савдо комплекси тадбиркорга инвестиция киритиш шартли билан берилган, мажмуа қиёфаси тубдан ўзгарди.

Хитойлик ҳамкорларимиз билан бирга ушбу объектга 10 миллион доллар инвестиция киритиб, “Makon mall” савдо-кўнгилочар мажмуаси ташкил этдик, – дейди тадбиркор Хуршид Тўраев. – 18 минг квадрат метр майдонда савдо дўконлари билан бирга, аҳолининг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун шароит яратилди. Болалар ўйин майдончалари ва турли ўйин қурилмалари ўрнатдик. Бу ерда ҳозир 300 га яқин иш ўрни яратилган. Ургут туманидаги шундай мажмуамизда эса 500 киши иш билан таъминланди. Умуман, 2024

йилгача республикаимизнинг турли ҳудудларида 12 та шу каби савдо-кўнгилочар масканлар ташкил этишни мўлжаллаганимиз ва ҳозирда учтаси ишлаб турибди. Жорий йилнинг ўзида Самарқандда яна учта шу каби йирик объект ишга тушади. Бу мажмуаларимиз 16 мингдан 200 минг квадрат метрга чаман майдонга эга бўлади. Киритилган сармоя ҳам 10 миллиондан 120 миллион долларгача.

Вилоятда кейинги тўрт-беш йилда бунёд этилган кўп қаватли уйлardan иборат янги аҳоли массиви – Қорасувда ҳам бу ерда яшовчиларга қулай ва замонавий хизматлар кўрсатиш учун умумий майдони 14 минг 700 квадрат метр бўлган 142 та савдо нуктасини ўз ичига олган йирик савдо-кўнгилочар мажмуаси, тиббий-соғломлаштириш, ўқув марказлари, умумий овқатланиш комплекслари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Бу каби истиқболли лойиҳалар вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида амалга оширилмоқда. Қолаверса, Қорақалпоғистоннинг вилоятимизга бириктирилган Нукус туманида ҳам хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 7 гектар майдонда хиебон, 212 та савдо дўконига эга савдо мажмуаси барпо этилмоқда.

Вилоятда ушбу тармоқни ривожлантириш мақсадида маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари ҳисобидан инфратузилмани яхшилаш учун 2021-2022 йилларда 27,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бунинг натижасида вилоятда хизматлар ҳажми 6,5 триллион сўмни, ўсиш суръати эса 112,2 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 1,3 миллион сўмдан 1,6 миллион сўмга етди. 110,6 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Жорий йилнинг якунига қадар жами хизматлар ҳажми 27,9 триллион сўмга, ўсиш суръатини 149 фоизга етказиш, 214 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган.

**Ғ.ҲАСАНОВ, А.ИСРОИЛОВ (сурат).**

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, мавжуд дори-дармонларнинг 60 фоизини доривор ўсимликлардан олинган препаратлар ташкил этади. Ўртимизда 112 тур доривор ўсимликлардан расмий таъбиқатда фойдаланишга рухсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80 фоизи табиий ҳолда ўсади. Аммо табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг ҳам хомашё захираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хомашё захирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

## Доривор экинларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича мутахассислар тайёрланади

Президентимизнинг 2020 йил 26 ноябрдаги “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доривор ўсимликлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини ҳам анча жонлантирди.

Хусусан, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида 2022 йилдан бошлаб Инновацион ривожланиш вазирлигининг доривор экинлар бўйича иккита илмий-амалий лойиҳаси молиялаштирилди. Булар – қиймати 3,5 миллиард сўмлик “Техник каннабис селекцияси ва уруғчилиги” ҳамда қиймати 1,1 миллиард сўмлик Самарқанд бўзоччи ўсимлигини уруғидан кўпайтириш ва плантацияларини ташкил этиш мавзусидаги лойиҳаларидир.

Бундан ташқари, филиал ёш олимлари ва магистрантлари томонидан доривор артишок ва амарант ўсимликларини вилоятимиз шароитида етиштириш ва уни қайта ишлашни йўлга қўйишга қаратилган қиймати 80 миллион сўмлик “Fitobar super-power” стартап лойиҳаси ҳамда қиймати 250 миллион сўмлик “Амарант - XXI аср ўсимлиги” мавзусидаги стартап лойиҳаси амалга оширилмоқда. Филиалнинг ахборот-маслаҳат марказида

бугунги кунда 0,5 гектар майдонда доривор артишок экини, 2 гектар майдонда эса амарант ўсимлиги экиб, кўпайтирилмоқда. Талабаларни илмга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, мақсадида бажарилаётган лойиҳа ижрочиларининг 55 фоизини талабалар ташкил қилмоқда. Зеро, талаба-ёшлар бўш вақтини илм-фанга бағишласа, соҳанинг етуқ ва малакали мутахассиси бўлиб етишади. Шунингдек, кўшимча даромад олади.

Бугун соҳа учун юқори салоҳиятли, рақобатдош ва малакали кадрлар тайёрлаш энг асосий вазифа ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, филиалда 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, “Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси” мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, 10 нафар магистр таҳсил олмақда. 2022-2023 ўқув йилидан эса “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” бўйича бакалаврлар тайёрлаш бошланади. Келгусида таълимдаги узвийликни, илмий тадқиқотлар натижаларини таъминлаш ҳамда илмий салоҳиятини ошириб бориш мақсадида докторантура ихтисослигини очил режалаштирилган.

**Ҳусниддин ХОНҚУЛОВ, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали директори ўринбосари.**

### Бир рақам шарҳи

2022 йил январь-май ойларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остида бўлмаган хорижий кредит маблағлари иштирокидаги жами 35 та лойиҳа ҳисобига 56,8 миллион долларлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилди.

Бундан икки йил аввал аҳоли даромадини ошириш мақсадида Каттақўрғон тумани Ойжон маҳалласи ҳудудида бўш ва қаровсиз ётган 50 гектар ер майдонида лимончиликка ихтисослашган иссиқхона қурилган эди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган ушбу лойиҳа бугун ўз самарасини бера бошлади. Бу ерда фаолият юритаётган маҳаллий тадбиркорлар лимон кўчатлари экилган иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиряпти.

# ОЙЖОНДАГИ ИССИҚХОНА

## САМАРА БЕРА БОШЛАДИ

– Тўрт гектар майдонда 3 минг туп лимон экдик, – дейди “Уста меъмор агрофирма” МЧЖ раҳбари Шербек Тўхтаев. – Лимон ҳосилга киргунча қатор ораларида сабзавот экинлари етиштиряпмиз. Йил бошида 150 минг туп экспортбоп булғор қалампери экдик. Бу нав ҳар тупидан 5 килограмгача ҳосил беради. Қолаверса, узоқ муддат сақланиши билан яхши даромадди. Йиғиб олинган маҳсулотни асосан, Қозғистон, Қирғизистон ва Россияга экспорт қилиш режалаштирилган. Булғор қалампиринан 2 миллиард сўм даромад олишни мўлжаллаяпмиз.



Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бу каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши қишлоқ жойларда аҳоли учун мавсумий ва доимий иш ўринларини кўпайтиришда муҳим ўрин тутаяпти. Хусусан, ушбу лойиҳа тўлиқ амалга ошириш билан ҳудуддаги 400 нафар ишсиз фуқаро доимий, мингга яқин фуқаро мавсумий иш ўринларига эга бўлади. Бугунги кунда ҳудудда 10 га яқин тадбиркор ўз маҳсулотини экспортга тайёрлаяпти.

**Ситора АСҚАРОВА.**

## Ҳоким ёрдамчисининг кўмагида



Булунғур тумани Гулистон маҳалласида жорий йил бошида 108 нафар фуқаро ишсиз эди. Маҳаллада ҳоким ёрдамчисининг иш бошлаши уларнинг муаммоларини ҳал этишда катта туртки бўлди.

– Ишни аҳолини хатловдан ўтказишдан бошладик, – дейди ҳоким ёрдамчиси Шерзод Эргашев. – Бундан мақсад ишсизлар сонини аниқлаш, кам даромадли оилаларнинг аҳоли ва имкониятини ўрганиш эди. Хатлов давомида ишсиз фуқаро билан гаплашиб, касб-кори, имкониятидан келиб чиқиб, 28 нафарини ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштирдик, яна бир неча ишсиз ёшлар хунармандлар уюмасига бириктирилиб, иш билан таъминланди. Тадбиркорлик билан шугулланишни мақсад қилган 12 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик.

Лазиз Бурхонов ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан тадбиркорликни бошлаган ёшлардан бири. Шу мақсадда АТБ “Агробанк”нинг туман филиалидан 33 миллион сўм кредит олган.

– Балиқ етиштиришнинг интенсив усули билан танишиб, шу ишдан даромад қилиш мумкинлигини тушундим, камхарж ва маҳсулдор, – дейди

Л.Бурхонов. – Маҳалламизда фаолият бошлаган ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан банкдан 33 миллион сўм кредит олиб, балиқ боқишни йўлга қўйдим. Ҳовлимиздаги 2 сотих майдонда 3 та сунъий сув ҳавзаси ўрнатдим. Ҳар бир ҳовузга бир ярим минг балиқ чавоқларини ташладим. Сунъий ҳавзанинг қулай томони – сув ҳам, озуқа ҳам исроф бўлмайди. Қолаверса, уни жойлаштириш учун катта майдон талаб қилинмайди. Ташланган чавоқлар олти ойда етилади. Даромади яхши бўлса, бу ишни янада кенгайтироқчиман.

– Бугунги кунда интенсив усулда балиқ етиштириш ҳам самарали, ҳам даромадли иш, – дейди Ш.Эргашев. – Бу айниқса, қишлоқларда одамларни иш билан таъминлаш ҳамда даромадларини оширишда қўл келяпти. Бирор иш бошлаш мақсадида мурожаат қилаётган фуқароларнинг лойиҳалари билан батафсил танишяпмиз. Уй шароитида, оилавий юритиш мумкин бўлган ва даромадли соҳаларга, масалан, балиқчиликдан ташқари, асаларчилик, паррандачилик йўналишларига кредитлар ажратяпмиз. Шундагина аҳолини иш билан банд қилишда яхши натижаларга эришиш мумкин. Ҳозирда ҳали иш билан таъминланмаган яна 60 нафар фуқаро бандлигини таъминлаш чораларини кўряпмиз.

**Сулаймон МАРДИЕВ.**

## Қайси йўналишлар учун агросубсидия берилади?

Бу тизим қишлоқ хўжалиги вазирлиги агросаноатни рақамлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган. Тизимда (agrosubsidiya.uz) домен манзили орқали субсидия ва манзилли рўйхатга кириш учун ариза юбориш ҳамда cabinet.agrosubsidiya.uz манзилида ишчи гуруҳлар томонидан аризаларни электрон кўриб чиқиш жараёнлари автоматлаштирилган ҳолда олиб борилади.

Ҳозиргача “Агросубсидия” ягона ахборот тизимига 8 та ариза келиб тушди. Аризаларнинг 2 тасида жорий йил субсидия олиш, 6 тасида манзилли рўйхатга кириш истаги билдирилган. Манзилли рўйхатга кирган аризалар 2023 йилда субсидия билан таъминланади. Субсидия олиш учун юборилган аризалар тегишли туман комиссияси аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва хулоса берилди.

“Агросубсидия” ягона ахборот тизимига субсидия ажратиш учун пахта хомашёси етиштиришда томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

– донли, полиз-сабзавот экинлари, картошка, озуқабоп, мойли ва дуккакли экинлар ҳамда доривор ўсимликлар учун жорий этилган сувни тежайдиган сугориш технологияларига сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

– ерларни лазер усқунали текислагичлар билан текислашга, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

– янги интенсив боғ ва тоқзорларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш бўйича мурожаат этишлари мумкин.

**Абдуманнон ДЎСТМУРАДОВ, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бўлим мутахассиси.**

# ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

биз учун  
янги тушунча эмас

**Асрлар давомида жамиятимизда аёлнинг ўрни ўчоқ бошида, вази-фаси бола тарбияси, оила аъзолари ва қариндошларига хизмат қилиш, деган фикр устувор бўлиб келди. Афсуски, XXI асрга келиб ҳам аксарият юртдошларимиз ушбу фикрдан воз кеча олмайпти.**

Нега, аёл киши раҳбар бўла олмайди? Бирор соҳани бошқаришга қурби етмайди? Ўзи гендер тенглик жамиятга нима беради? Аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳада эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятлар асосида фаолият юритиши мамлакатнинг ривожланишига ҳисса қўшмайди?

Гендер тенглик, аввало, аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳада эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имтиёзлар асосида фаолият олиб боришида яққол намоён бўлади. Таъкидлаш керак, 2018 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда гендер тенглиги сиёсати муваффақиятли амалга оширила бошланди. Натижада Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Ўзбекистон Парламенти аёл депутатлар сонини буйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-поғонага кўтарилди. 2020 йили Феруза Маҳмудова Ўзбекистоннинг Исроил давлатидаги элчиси этиб тайинланди. Сенат раиси лавозимига мамлакатимиз тарихида илк мартаба аёл киши - Танзила Норбоева сайланди. Шахслар ижтимоий мавқеи, жинси ва бошқа ижтимоий кўрсаткичларидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларидан бир хилда фойдалана олса, гендер тенглиги юзага келади. Битта ҳуқуқ ҳам эркакда, ҳам аёлда бўлса-ю, эркак бу ҳуқуқдан фойдаланса, аммо аёл аёл бўлгани учун ҳам фойдалана олмас, мана шу нуқтада гендер мувозанати бузилади. Бундай бузилишларнинг бўлиши эса жамиятда эркаклар устунроқ, аёллар куйроқда деган тушунчани пайдо қилиши мумкин. Аслида эса ҳуқуқлар баробар, лекин шу ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти турли тўсиқлар билан камайтиради.

Гендер тенглиги буйича муаммолар илгари ҳам етарлича мавжуд бўлган. Аммо улар ҳақида гапирилмаган, муаммолар табиий ҳол деб қабул қилинган бўлиши мумкин. Лекин Қуръон ва ҳадисларда аёлнинг ўрни, унга бўлган ҳурмат ва эътибор алоҳида тилга олинган. Ўзбек менталитетида ҳам, динимизда ҳам аёлни ҳўрлаш йўқ.

Аслида, гендер тенглиги Ўзбекистон учун янги тушунча эмас. У бизда аллақачон бошланган. Ислоҳ динида аёлни камситмаслик, қизларни тарбиялаганларнинг жаннатга тушиши, жаннат оналар оёғи остида экани ўқтилган. Ғарб эса бу тушунчаларга анча кейин келган. Исломда аёлларнинг меросхўр бўла олиши, гувоҳлик бериши, ўз розилиги билангина никоҳ қуриши каби ҳуқуқлари Ғарб жамиятидан аввалроқ тасдиқланган.

**Моҳинур РЎЗИЕВА,  
Шароф Рашидов номидаги  
Самарқанд давлат университети  
талабаси.**

**Бугунги кунда вилоятимизда 44 спорт тури бўйича федерациялар, 12 та ассоциация, 4 та спортни ривожлантириш клуби, 3 та спортни ривожлантириш маркази, 2 та жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаолият юритмоқда.**

Федерациялар томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ўтказилган рейтингга кўра, вилоятда 7 спорт тури қониқарли (дзюдо, эшакка эшиш, юнон-рум кураши, енгил атлетика, гимнастика, кураш ва самбо), 19 спорт тури ўрта (бокс, баскетбол, сузиш, гандбол, эркин кураш, волейбол...), 6 спорт тури паст (қиличбозлик, от спорти, спортнинг техник ва ўқ отиш, теннис, бадминтон ва реги-би) кўрсаткичи тоифага ажратилди.



Мутахассислар камлиги, спорт базалари ва жихозларининг етарли эмаслиги айрим спорт федерацияларининг рейтингига салбий таъсир қилмоқда. Мисол учун, спортнинг техник ва ўқ отиш спорт турлари билан 20 нафардан ортиқ спортчи шуғулланади. Уларга эса бор-йўғи бир нафар мураббий машғулот ўтади. Бу белгиланган меъёрга нисбатан жуда паст.

Федерациялардаги бундай муаммоларни ҳал қилиш мақсадида спорт тўғрисидаги қўшма қўрама-босқич бартараф этилади.

# 1800 ДАН ЗИЁД СПОРТ ИНШООТИ ТАЪМИРТАЛАБ

жалб қилиш ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилган.

Вилоятда 5654 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, шундан 3809 тасининг ҳолати қониқарли, 1800 дан зиёди таъмирталаб ҳолатда. Мисол учун, Пахтачида 103 та, Пайариқда 143 та, Булунғурда 121 та спорт иншооти таъмирга муҳтож. Шунингдек, туман ва шаҳарлардаги спорт мактабларида малакасиз ва тоифасиз ўқитувчилар кўпайиб кетган. Бунинг устига кейинги икки йилда Оқдарё, Булунғур, Иштихон, Нарпай, Пайариқ ва Тойлоқ туманларидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ўндан ортиқ олимпия спорт туридан спортчилар тарма жамоага қабирилмаган.

Иншоотларни таъмирлаш, муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда спорт тўғрисида етарли шароитлар яратиш масалалари юзасидан туман ва шаҳар раҳбарларига, мутахассисларга вазифалар белгилаб берилди. Муаммолар манзилли дастур асосида ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич бартараф этилади.

Бугунги кунда вилоятимизда 76 спорт тури

буйича 1168 нафар спортчи (асосий таркибда 750 нафар), захира таркибда 418 нафар Ўзбекистон миллий тарма жамоасининг асосий ва захира таркибига киритилган. Бу Миллий тарма жамоанинг 9 фоизини ташкил этади.

Қайд этиш керак, кейинги йилларда спортчиларимиз халқаро чемпионатларда, олимпия ўйинларида ҳамда Ўзбекистон чемпионати ва кубоги баҳсларида яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

Ўтган йил спортчиларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, жаҳон кубоги каби халқаро мусобақаларда (78 та олтин, 89 та кумуш ва 70 та бронза), республика чемпионати, кубоги ва турнирларида 783 та олтин, 829 та кумуш ва 1064 та бронза медалларини қўлга киритди.

Яқинда пойтахтимизда ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 77-Ижроия кўмитаси йиғилишида шу йил 10-25 сентябрь кунлари Хитойда ўтиши белгиланган ёзги Осиё ўйинлари номаълум мuddатга қолдирилганлиги эълон қилинди. Аммо бу ўйинларнинг қолдирилиши спортчилар, жамоалар, мутахассислар кайфиятига таъсир этмаслиги, йил давомида



мамлакатимиз спортчиларини қитъа ва жаҳон чемпионатларига тайёрлаш ишлари суъайтирилмаслиги вазифа қилиб белгиланди.

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган ёзги Осиё ўйинларида вилоятимиз спортчилари нуносиб тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу мусобақага 13 спорт тури бўйича 41 нафар спортчи саралаб олинган. Шунингдек, ўттиз учинчи ёзги Олимпия ўйинларида 9 спорт тури бўйича 23 нафар ва ўн еттинчи Паралимпия ўйинларида 2 спорт туридан 4 нафар номзод рўйхати шакллантирилган.

Мусобақаларга тайёргарлик кўриш буйича вилоятда худудий дастур ишлаб чиқилиб, спортчиларга тайёргарлик кўриши учун барча шароит яратилган. Жўмладан, спортчиларга асосий ва ёрдამчи спорт базалари сифатида 34 та спорт иншооти бириктирилиб, машғулотлар олиб борилмоқда. Ҳозирда мусобақаларга номзод сифатида саралаб олинган спортчилар Тошкент шаҳрида ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этмоқда.

**Шўҳрат РЎЗИЕВ,  
вилоят спортни ривожлантириш  
бошқармаси бошлиғи.**

**Хонамга икки қиз кириб келди, бири дадилроқ, бошқаси ҳолсизроқ. Мақола олиб келган бўлса керак, деб ўйладим.**

- Биз талабамиз, амалиётга келдик, - деди дадилроғи. - Тўғрироғи, мен эмас, мана бу дугонам, - дея ҳолсизроғига қаради. Дугонаси нақ ёнидагисининг елкасига бошини қўйиб, мазаси йўқлигини яққолроқ сездиришга ҳаракат қилди. Табиийки, амалиёт ўтамоқчи бўлган қизнинг ахволи нега унақа эканлиги билан қизиқдим.

- Бу дугонам ҳомиладор, ток-сикози жуда оғир ўтяпти, - уятни қатнай олмайман, деса, бири вақти жуда зиклигини, амалиёт билан бошини қотириб ўтирмаслигини рўқач қилади, яна бири чақалоғини кўтариб келади.

Амалиёт бошқа аскар касблар қатори журналистикада ҳам энг муҳим жараёнлардан саналади. Айниқса, шу соҳа орқали нон топаман, келгусида яхши мутахассис бўлишни истайман, деган талаба борки, амалиётга жиддий эътибор қаратади, соҳанинг сир-асрорларини ўрганишни истайди. Тошкентда, жур-

ҳам йиғиштириб, шартта жавоб берди дугонаси. - Қайси мавзуларда мақола ёзасиз ўзи? Ёки қайси соҳаларга қизиқасиз, шунга мос тарзда топириқ бераман. - Ие, бунинг ахволини кўрмаясизми? Дугонам амалиётга келолмайди-да, шунинг учун амалиёт варақасига қўл қўйиб берарсиз-а, ўн кунлар ўтгач?

Бу илтимосни, буйруқми, хийлами - тушунолмай, майли, дедим.

Кейин эшитсам, амалиёт ўташ учун бошқа ҳамкасбларим ёнига келган талабаларнинг ҳам ахволи шу экан. Бирови узоқда яшайман,

# АМАЛИЁТЧИ ТАЛАБАЛАР: БИРИ ҲОМИЛАДОР, БИРИНИНГ ВАҚТИ ЗИҚ, БОШҚАСИ...

ҳам йиғиштириб, шартта жавоб берди дугонаси.

- Қайси мавзуларда мақола ёзасиз ўзи? Ёки қайси соҳаларга қизиқасиз, шунга мос тарзда топириқ бераман.

- Ие, бунинг ахволини кўрмаясизми? Дугонам амалиётга келолмайди-да, шунинг учун амалиёт варақасига қўл қўйиб берарсиз-а, ўн кунлар ўтгач?

Бу илтимосни, буйруқми, хийлами - тушунолмай, майли, дедим.

Кейин эшитсам, амалиёт ўташ учун бошқа ҳамкасбларим ёнига келган талабаларнинг ҳам ахволи шу экан. Бирови узоқда яшайман,

налистика соҳасида ўқийдиган талабалар билан ишлаганимизда худди шундай қизиқувчанлик ва интилувчанликни кузатгандик.

Ахборот ёзишдан бошлаб, мақола дунё юзини кўриш жараёнини батафсил ўрганиб, бир ой давомида газета ва сайтда бир неча чиқишлар қилиб, деганда нима назарда тутиляпти, деган саволга менимча нафақат талаба, унга мавзу берган устози ҳам жавоб беришга қийналас керак.

Умуман, ҳолатлар бир эмас, бир неча марта кўзга ташланмоқда. Бу ҳақда жиддий бош қотириб, ўйлаб кўриш керақдир.

**Гулрўх МҰМИНОВА.**



Улардан яна бири "диплом ишимни бошлаб қўйгандим, мавзуси "Эски турдаги оммавий ахборот воситалари...". дея гап бошлади. Тўғриси, мавзунини охиригача эшитолмадим ҳам.

Эски турдаги оммавий ахборот воситалари, деганда нима назарда тутиляпти, деган саволга менимча нафақат талаба, унга мавзу берган устози ҳам жавоб беришга қийналас керак.

Умуман, ҳолатлар бир эмас, бир неча марта кўзга ташланмоқда. Бу ҳақда жиддий бош қотириб, ўйлаб кўриш керақдир.

**Гулрўх МҰМИНОВА.**

# Ўзини ўзи банд қилганларга бола пули бериладими?

**Икки нафар фарзандимиз бор. Номимизда кўчмас мулк йўқ. Шу ҳолатда ўзинини ўзини банд қилсак бизга бола пули бериладими?**

Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, нафақа тайинлашда оила аъзоларининг ўртача даромади ҳисобга олинади. Масалан, оилада фақат ота ишласа, унинг ойлик маоши оила аъзоларига тенг тақсимланади. Шунда ўртача даромад 440 минг сўмдан ортиқ бўлса, нафақа бериш рад қилинади. Аксинча, оила аъзоларининг ўртача даромади 440 минг сўмдан кам бўлса, нафақа тайинланади. Қонунчилигимизда фарзандини ёлғиз тарбиялаётган оналарга енгилликлар берилган.

Боқимандаликнинг олдини олиш мақсадида ишламаётган фуқароларга нафақа ва моддий ёрдэм тайинлаш чеклаб қўйилган. Шунингдек, сўнгги етти йил ичида машина сотиб олган, трактор ёки юк автомобилалари бор кишиларга ҳам нафақа тайинланмайди. Бундан ташқари, оила аъзоларидан бирининг энг кам иш ҳақининг 5 баробари ёки ундан ортиқ миқдордаги пули банкларда омонатга қўйилган бўлса, уларнинг номида икки ва ундан ортиқ кўчмас мулк бўлса, нафақа тайинланмайди. Ўзини ўзи банд қилиш фуқарога бола пули тайинлашга тўсиқ бўлмайдми.

Фуқаролар нафақа олиш буйича

аризаларни маҳалла фуқаролар йиғинларига топширади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллар ҳар ойнинг 19-санасигача барча аризаларни жамлаб, пенсия жамғармасига юборади. Пенсия жамғармаси бу маълумотларни ягона реестр дастурига қиратилади. Жараёнда инсон омили чеклан-



ган. Яъни, маҳалла фаоллари ҳам, пенсия жамғармаси мутахассислари ҳам фуқарога нафақа тайинлашда кўмак бериши ёки уни рад этиши мумкин эмас. Дастурнинг ўзи хар бир ариза асосида масъул идораларга сўров юбориб, маълумотларни таҳлил қилади.

**Саволга Қўшраборт тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулты Ислом КАРИМОВ жавоб берди.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**  
Иштихон туманидаги "MIYONQOL SAVDO MAJMUASI" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 300377685) ўз устав фондини 681 405 600 (уч юз саксон бир миллион тўрт юз беш минг олти юз) сўмдан 630 249 000 (олти юз ўлттиз миллион икки юз қирқ тўққиз минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Иштихон шаҳарчаси Иштихон кўчаси.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Бегимов Эркин Нажимединовичга (2019 йил 7 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Тўрақулов Ас-

ламжонга (2019 йил 23 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Эшимов Мусурмонга (2007 йил 2 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Джўнаидов Равшан Рафиковичга (2020 йил 25 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасида марҳум Малигина Галина Константиновнага (2021 йил 3 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтидан 2010 йилда Хамдамов Темур Тоҳирович номига берилган В № 531324 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд 132-хунар техника билим юртидан 1980 йилда Асланов Суннат Турабович номига берилган № 1121 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Амирова Шахноза Латиб қизи номига берилган О`R-SH № 1058750 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги

шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Марупов Журабек Хошимович номига берилган У № 0518764 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 2018 йилда Расулбердиева Ирода Пахлаван қизи номига берилган У № 8374045 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2015 йилда Ходжиризова Нилуфар Икром қизи номига берилган рўйхат рақами 14831, К № 3838214 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Хамидова Шахзода Абдулатифовна номига берилган О`R-SH № 0047961 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги имтиёзли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё иқтисодий коллежидан 2018 йилда Алибоев Бекзод Эргаш ўғли номига берилган рўйхат рақами 6, К № 5120505 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**



Самарқанд давлат техника марказидан 2017 йил 10 мартда берилган ТТР 0666318 сонли техника воситасини қайд қилиш гувоҳномасига асосан "AL OMON QURLISH" хусусий корхонасига тегишли давлат рақами 30 СА 430 бўлган "Доминатор-130" русумли комбайннинг техник паспорти ва давлат рақам белгиси йўқолган. Ушбу техник паспортни ва давлат рақам белгисини топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99897-287-17-01.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими Навоий кон-металлургия комбинати бош директорининг маълумот котиби - ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Абдумажид Жўраевга отаси **Ирисбой Жўраев**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд Суғдида Афросиёб, Қулдортепа, Кофирқалъа, Иштихон, Қушония, Робинзон ва Добусия каби катта-кичик қадимги шаҳарлар мавжуд эди. Бу шаҳарларнинг ичиде Кофирқалъа шаҳарчасининг алоҳида ўрни бўлган.

Кофирқалъа шаҳарчаси – Дарғом каналининг чап қирғоғида, Афросиёбнинг жанубий томонида, Самарқанд шаҳридан 18 километр жанубда жойлашган. Шаҳарчанинг умумий майдони 16 гектар бўлиб, уч қисмдан – арк, шахристон ва раббатдан иборат эди. Арк ўлчамлари 76x76 метр, баландлиги 25 метрли квадрат шаклида бўлиб, томонлари 360 метрни ташкил этган. Работнинг эса катта қисми ҳозирда экин майдонига айлантирилганлиги учун унинг аниқ ҳажми номаълум.



Бир неча давлатдан сўнг Мексика, ундан сўнг турли чакалакзорлару ботқоқликлар, дарё оралаб ўтишга интилиш – бу саёхат сафари эмас, Америкага бориш усулидан бири сифатида талқин этилмоқда бугун. Ижтимоий тармоқларда тарқалган турли видео лавҳалар бундай воқеликларнинг ўндан биринигина ифодалаб берапти. Бу сафарларда не қийинчиликлари бошидан ўтказиб юртдошларимиз маълум мuddат максадларига етиб, ўзлари истаган "сеҳрли диёр"га етиб борар, ишга жойлашар. Аммо ундай бўлмаса-чи? Нега кўпчилик бир неча ўн минг АҚШ доллари эвазига номаълум ҳаётни танламоқда? Афсуски, Америкага ноқонуний жўнатиш билан шуғулланувчи фирибгарлар, уларнинг қўлга тушиши, қолаверса, ижтимоий тармоқларда тарқалган турли видеолар ҳам кўпчиликни бу таваккал ишдан тўхтатиб қолмапти.

Баъзилар ушбу видеоларни кўриб, таваккал қилиш ҳаётини хавфга қўйиш эканлигини англаб етаётган бўлса-да, аммо фирибгарларнинг сўзларига учиб, катта миқдорда пул сарфлаётганлар ҳамон бор. Америкага бориш ҳар доим ҳам, турли йиллар ва ҳатто асрларда ҳам мигрантларни қизиқтириб келган. Шунинг учун ўтган асрларда ҳам ушбу мамлакатга турли хатарларни бўйнига олиб боровчилар бўлгани ҳақида эшитганмиз. Лекин катта маблағ эвазига бўлмаган бу таваккалчилик. Аммо юртдошларимиз оз эмас, кўп эмас, бир неча ўн минглаб АҚШ доллари ҳамда ҳаётини тикиб, бу ишга бел боғлаши қанчалик мантиқли?

# АМЕРИКА ОРЗУСИ: ҲАШАМАТ УЧУН ҚОЧҚИНЛИКНИ ИСТАЁТГАНЛАР



Маълумотларга кўра, у ерда ўз яқинларини йўқотган, Америкага етиб бормаи, яқинларидан айрилган ёки ўзи касалланиб, сарсонгарчиликларни бошидан ўтказиб юртдошларимиз бор. Яқинда ҳамкасбларимдан бири қариндошлари Мексика орқали Америкага кетгани, улардан хабар қутиб ўтирганини айтиб қолди. Хориж оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, Мексиканинг Америка билан чегарадош худудларидан бирида йилига юзлаб инсонларнинг мурдалари йиғиб олинади ва тегишли тартибда шахси аниқланиб, ўз юртига жўнатилади. Бугун ушбу худудларда турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан мигрантларга йўл кўрсаткичлар, чакалакзору ўрмонларда махсус белгилар қолдириш, телефон рақамлари ёзилган табличкалар олиш каби юмушлар ўргатилади. Сабаби, айнан Мексиканинг хавфли худудларидан Америкага боришни истовчилар дунёнинг кўплаб мамлакатларидан топилади ва улар орасида шу йўлни танлаётганлари ҳамон кўп.

Дарвоқе, Америкага Мексика орқали ўтгач, фуқаролар қандай ҳолатга дуч келишади? - **Ўзбекистонда АҚШга визани расмийлаштириш имкони йўқ, - дея гапириб беради бу ҳақда исми сир тўтилишини сўраган самарқандлик аёл. - Мен АҚШга Мексика орқали, чегарадан ўтиб бориш мумкинлигини эшитдим. Мексикага ҳужжатлар Москвада расмийлаштирилган экан. Уч кундан сўнг ҳужжат расмийлаштириш учун Москвага ўчдим. Виза тайёрлашга ёрдам берадиган инсон билан мени таништиришди. Аввалига Мексикага бориш учун виза тайёрлаш ҳаракатини бошладим. Ёрдам берадиган инсон бир пакет ҳужжатларни тайёрлаб, мени Япония элчихонасига жўнатди. Менга япон визаси беришни рад этишди. Шундан сўнг бу одам ҳужжатларимни тайёрлаб, Гватемала элчихонасига жўнатди. Мен Гватемалага виза олдим ва Москвадан Гватемалага ўчдим. У ерда 2-3 ҳафта қолдим. Гватемаладан автобусда Мексикага етиб бордим. 2018 йилнинг 24 мартида чегара орқали Мексикадан АҚШга ўтдим. АҚШда мени қамоқхонадан 2018 йилнинг 27 апрель куни Тейлор, Техасда қўйиб юборишди.**

Бу бир аёлнинг тақдир. Дарвоқе, унинг АҚШ ҳукуматида бошпана сўраб ёзган ариазиси тақдир ҳамон номаълумлигича қолмоқда экан. Яъни, чегарадан ноқонуний ўтиб, Америкада яшаш истагида бўлганларнинг катта қисми бошпана сўраб, мурожаат қилади. Бу масалалар билан албатта, адвокат

нинг учун ўтган асрларда ҳам ушбу мамлакатга турли хатарларни бўйнига олиб боровчилар бўлгани ҳақида эшитганмиз. Лекин катта маблағ эвазига бўлмаган бу таваккалчилик. Аммо юртдошларимиз оз эмас, кўп эмас, бир неча ўн минглаб АҚШ доллари ҳамда ҳаётини тикиб, бу ишга бел боғлаши қанчалик мантиқли? Маълумотларга кўра, у ерда ўз яқинларини йўқотган, Америкага етиб бормаи, яқинларидан айрилган ёки ўзи касалланиб, сарсонгарчиликларни бошидан ўтказиб юртдошларимиз бор. Яқинда ҳамкасбларимдан бири қариндошлари Мексика орқали Америкага кетгани, улардан хабар қутиб ўтирганини айтиб қолди. Хориж оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, Мексиканинг Америка билан чегарадош худудларидан бирида йилига юзлаб инсонларнинг мурдалари йиғиб олинади ва тегишли тартибда шахси аниқланиб, ўз юртига жўнатилади. Бугун ушбу худудларда турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан мигрантларга йўл кўрсаткичлар, чакалакзору ўрмонларда махсус белгилар қолдириш, телефон рақамлари ёзилган табличкалар олиш каби юмушлар ўргатилади. Сабаби, айнан Мексиканинг хавфли худудларидан Америкага боришни истовчилар дунёнинг кўплаб мамлакатларидан топилади ва улар орасида шу йўлни танлаётганлари ҳамон кўп.


Дарвоқе, Америкага Мексика орқали ўтгач, фуқаролар қандай ҳолатга дуч келишади? - **Ўзбекистонда АҚШга визани расмийлаштириш имкони йўқ, - дея гапириб беради бу ҳақда исми сир тўтилишини сўраган самарқандлик аёл. - Мен АҚШга Мексика орқали, чегарадан ўтиб бориш мумкинлигини эшитдим. Мексикага ҳужжатлар Москвада расмийлаштирилган экан. Уч кундан сўнг ҳужжат расмийлаштириш учун Москвага ўчдим. Виза тайёрлашга ёрдам берадиган инсон билан мени таништиришди. Аввалига Мексикага бориш учун виза тайёрлаш ҳаракатини бошладим. Ёрдам берадиган инсон бир пакет ҳужжатларни тайёрлаб, мени Япония элчихонасига жўнатди. Менга япон визаси беришни рад этишди. Шундан сўнг бу одам ҳужжатларимни тайёрлаб, Гватемала элчихонасига жўнатди. Мен Гватемалага виза олдим ва Москвадан Гватемалага ўчдим. У ерда 2-3 ҳафта қолдим. Гватемаладан автобусда Мексикага етиб бордим. 2018 йилнинг 24 мартида чегара орқали Мексикадан АҚШга ўтдим. АҚШда мени қамоқхонадан 2018 йилнинг 27 апрель куни Тейлор, Техасда қўйиб юборишди.**

Умуман олганда, ҳар ким ўз ҳаётига ўзи ҳўқмор, муҳими, ҳаммаси қонун талабларида бўлсин. Қайси давлатда яшаш ҳам ҳар бир инсоннинг шахсий танлови. Лекин бу каби ҳолатларни ўқиб, эшитганимизда таажубимиз ортади. **Биринчидан, Америкага неча минглаб АҚШ доллари сарфлаб кетишга ошқибатган чегарадан ўтиб, кам таъминланган ва ҳатто ўртаҳол оилалар ҳам эмас. Уларнинг аксариятининг касби, ҳунари, баъзиларининг тадбиркорлиги ҳам бор ҳатто. Аммо ҳашаматга ўчмакчи, фарзандларини мантика сиғмайдиغان, ақл таросидада ўлаб бўлмайдиган тарздаги маблағ сарфлагандиган одатлар ила тўй қилиш каби орзулар уларнинг кўзларини шартта юмиб, кўп нарсадан ўз кечишига сабаб бўлмоқда.**

Ҳаммаси майли, аммо мамлакатимда инсон ҳўқуқларининг ақл бовар қилмас даражада бузилиши миллиатчилик ва бошқа таҳдидларга дучор бўлялман, дея ҳашамат сари интилишни ҳечам тушунолмайман. Интернет орқали Америкага Мексика орқали бориш, дея қидирув берсангиз, юртида уруш кетаётган, очарчилик ва қандайдир таҳдидларга дуч келаётганларнинг нажот истаб, бошқа давлатдан паноҳ топишга интилаётгани, уларнинг қийинчиликлари акс этган видео, мақолаларга кўзингиз тушади. Аммо ҳашаматли тўй қиламан, ҳовлимни қасрга алмаштираман, деб юртини ёмонотлиқ қилганини кўрмайсиз. Хулоса ўзингиздан...

Гулрўх МҮМИНОВА.

# КОФИРҚАЛЪА – СУҒД ҲУҚМДОРЛАРИНИНГ ҚАРОРГОҲИ



Ушбу ёдгорликда 1991 йилдан буён дастлаб Яхё Ғуломов номидаги Археология институтининг археология гуруҳи, Ўзбекистон-Италия халқаро қўшма экспедицияси, ҳозирда эса Ўзбекистон-Япония халқаро қўшма экспедицияси олимлари ҳамкорликда қазималар олиб бормоқда. Асосий археологик қазималар шаҳар Аркида бажарилди. Арк унча баланд бўлмаган табиий тепалик устида жойлашган бўлиб, атрофи мушаккам мудоффа деворлари билан ўралган, тўрт бурчагида тўртта айлана минораси бор. Аркнинг ичига унинг жанубий томонида барпо қилинган осма кўприк орқали кирилган. Аркнинг атрофида чуқур хандақ қазилган ва унда ҳаммаша сув турган. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида Аркнинг ичидеги айвон, ҳашаматли зал, ҳўқмдорга мўлжалланган тахтхона ва бошқа иншоотлар ўрганилди. Бу ерда сақланган маданий қатламлар асосан уч даврга мансуб бўлиб, биринчи давр VII-VIII асрларга, иккинчи давр VIII асрнинг иккинчи ярмига, учинчи давр X-XII асрларга оид.

Аркнинг биринчи қурилиш даври VII аср охири VIII асрнинг биринчи ярмига мансуб. Бу даврда Кофирқалъа Арки гўмбазсимон йўлакли девор билан ўралган сарой тарзида, ўта мушаккам монументал иншоотга айланган. Йўғон ёғоч устунлар дарахдан ясалган тағқурислар устига ўрнатилган. Қазималар жараёнида шу нарсалар маълум бўлдики, Аркнинг ичи ниҳоятда бой ва ранг-баранг ёғоч ўймакорлиги билан безатилган. Ёғочларда инсон шакллари билан бирга, ҳар хил ўсимликсимон ҳамда нафис геометрик нақшлар ишланган.

**БУЛЛА – ҲУҚМДОР МУҲРИ**  
Кофирқалъа Аркининг биринчи қурилиш даврини қазиб пайтада кўплаб ноёб осори-атиқалар қўлга киритилди. Шулардан бири лойдан ясалган булларлар (булла – муҳр, ҳўқмдор ёки амалдор муҳрининг лойдаги нусхаси). Булларлар ўта ноёб археологик топилма бўлиб, одатда ҳўқмдор ёки йирик амалдорларга алоқадор ёдгорликларда учрайди.

Масалан, тери ёки қоғозга ёзилган ҳўжжат рулон шаклида ўралиб, маълум жойидан тешилган. Тешикдан ил ўтказилиб, ипнинг икки учи пишитилган хом лойда бирлаштирилган. Сўнгра лойга муҳр босилган. Лой қуригач, ҳўжжат керакли манзилга жўнатилади. Ҳар бир буллада муайян хос тасвир бўлган. Кофирқалъадан топилган булларлардаги тасвирларни уч гуруҳга ажратishi мумкин. Биринчи гуруҳга одамлар тасвири, иккинчи гуруҳга ҳайвонлар ва қушлар тасвири, учинчи гуруҳга тамага ёки ҳар хил геометрик тасвирлар туширилган. Одам боши тасвирланган булларларда ёзув битилган бўлиб, тасвир анчайин аниқ ифодаланган. Ушбу булларларни таҳлил қилган олимларнинг фикрича, бу тасвирларда ҳўқмдор, вазир ва йирик амалдорларнинг асл қиёфаси акс эттирилган.

Ҳайвонлар ва қушлар тасвирланган булларларга келсак, уларнинг сюжетлари хилма-хил бўлиб, Марказий Осиё ҳайвонот оламидеги даяри бarchа ҳайвонларнинг тасвири учрайди. Кофирқалъадан топилган булларларни ўрганиш шу нарсани кўрсатадики, VII-VIII асрларда Самарқанд Суғдида яшаган аждодларимиз дунёнинг турли томонларидеги ҳўқмдорлар билан элчилик, сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатилган. Покистондаги Пешовар шаҳрида ўтказилган архео-

логик қазималар жараёнида бир ноёб булла топилган эди. Француз археологларининг аниқлашича, ушбу булла айнан Самарқанддан, Кофирқалъадан жўнатилаган экан.

**ПАННО ЁҒОЧДАН**  
Кофирқалъанинг биринчи қурилиш даврига оид маданий қатламдан топилган ёғоч панно ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Бу ердан топилган ёғоч панно Суғд санъатининг ноёб намунаси ҳисобланади. Панно иккита кенг ва қалин тахтани темир миҳлар билан ўзаро бирлаштиришдан ҳосил бўлган. Паннонинг сиртида ҳар хил либосларда, қўлларига турли хил асбоблар, буюмлар ва совға-саломлар ушлаб олган юзлаб одамларнинг шакллари ўйиб ишланган. Ушбу композициянинг асосий сюжети – маъбудага сиғиниш, совға-саломлар эҳсон қилиш сахнасида иборат.

Паннонинг юқори қисмида, бемалол ётиб олган шер кўринишидаги олтин тахт устида ўтирган маъбуда Нана тасвирланган. Унинг бошида қанотли тож, бир қўлида асо, иккинчи қўлида қандайдир буюм дастасини ушлаб турибди. Шунингдек, паннода маросим пайтида муқаддас "Авесто" китобидан мадҳияларни мусиқа жўрлигида қўйлаётган созандалар ва мусиқа асбоблари акс эттирилган. Созандалар қўлида ўша даврларда Суғдда кенг тарқалган чилтор, уд, қўбизча, ноғора, сибиצה каби мусиқа асбоблари мавжуд. Ушбу мусиқа асбобларининг кўпчилиги Суғд созандалари билан бирга Буюк Ипак йўли бўйлаб Хитой, Япония ва Корея каби давлатларгача борган ва машҳур бўлган. Шу ўринда айтиш жоизки, Япониянинг Нара шаҳридаги қадимги ибодатхонада VII-VIII асрларда императорга келтирилган қимматбаҳо совғалар коллекциясида иккита мусиқа асбоби ҳам сақланган. Шу пайтга қадар япон олимлари ушбу мусиқа асбобларининг қаердан келтирилганлигини билишмаган.

Кофирқалъадан топилган паннода айнан Япониядаги мусиқа асбобларига ўхшаш асбоблар тасвири мавжуд. Бугун япон олимлари ўзларида сақланаётган иккита мусиқа асбоби айнан VII-VIII асрларда Самарқанддан олиб борилганлигини тан олдилар. Ушбу ноёб панно жорий йилнинг кузида Франциядаги машҳур Лувр музейида жаҳонга намойиш этилади.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Кофирқалъа Арки VIII асрнинг бошларида ёндириб юборилган. Шу тариха бой ва ранг-баранг деворий суратлар, ёғоч ўймакорлик намуналари билан ҳашаматли безатилган саройнинг кули қўкка совирилган, дунёнинг турли томонларидан Кофирқалъага олиб келинган ноёб ҳўжжатлар, ёзишмалар йўқ қилинган.

Арк анча вақт мобайнида хароба аҳволда ётган. VIII асрнинг ўрталарига келиб, култепалик текисланиб, яна янги иншоотлар барпо қилинган. Энди бу ерга кўчиб келганлар ислом динини қабул қилган аҳоли эди. Буни аббосийлар сулоласининг биринчи халифаси Абул-Аббос ас-Саффоҳ ҳўқморлиги даврида, хижрий 135 йили (милодий 753 йил) зарб этилган олтин танга ҳам кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, Кофирқалъанинг иккинчи қурилиш даврига оид аббосийларнинг 100 дан ортиқ қумуш тангалари ҳам топилган.

Бу қурилиш даври ҳам кўп фаолият кўрсатмади ва у IX асрнинг бошларига келиб, вайрон қилинди. Орадан йиллар ўтиб,

X-XIII асрларда Кофирқалъа Аркида яна одамлар истиқомат қилишган. Аммо бу асрларда қурилган янги иншоотлар мушаккам бўлмаганлиги, вақтинчалик характерга эгаллиги маълум бўлди.

**ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ**  
Кофирқалъа шаҳарчаси маҳобати, меъморчилик ечимлари билан Бухоро ҳўқмдорларининг қароргоҳи - Варахша ёдгорлигига жуда ўхшайди. X асрда Самарқандга келган араб географ Ибн Хавқалнинг ёзишича, Самарқанд ҳўқмдорларининг шаҳар чеккасидаги қароргоҳи Ривдад деган манзилда бўлган. Сайёҳ бу ерга ташриф буюрганида Ривдад анчайин хароба ҳолда ётган. Хитой йилномаларида келтирилишича, Самарқанд ҳўқмдорлари бу ерга келиб, Наврўз ва Меҳрхон байрамларини нишонлаганлар. Бундай байрамларда ҳўқмдорга қимматбаҳо совға-саломлар инъом этилган. Манбалардан маълумки, бу ерда аждодлар руҳига бағишланган йирик ибодатхона мавжуд бўлиб, йилнинг олтинчи ойида аждодлар руҳига бағишлаб қўрбонликлар қилинган.

VIII асрнинг бошларигача Кофирқалъа Самарқанд ҳўқмдорларининг шунчаки қароргоҳи бўлмади, балки бу ерда алоҳида умумдавлат аҳамиятига молик тантаналар, маросимлар, байрамлар ҳамда қабуллар ўтказиладиган муҳим маскан бўлган.

Шундай экан, ушбу ёдгорликни сақлаш, очик осмон остидаги музейга айлантириш, шу орқали илк ўрта асрлардаги Самарқанд ҳўқмдорлари саройининг асл қиёфасини саёҳларга намойиш қилиш мақсадга мувофиқ.

Айни кунларда Кофирқалъада италиялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда ва янги ноёб топилмалар устида ишланмоқда.

**Амриддин БЕРДИМУРОВО, Яхё Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтининг етакчи илмий ходими, Кофирқалъа экспедицияси раҳбари.**

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**23 ИЮНЬ**  
**Абдулла НАСИМОВ** – 1951 йилда Қўшрабат туманида туғилган. Фан доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

**27 ИЮНЬ**  
**Эркин ХҲЖАЕВ** – 1939 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи. Профессор.

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 102 nusxada chop etildi. Buyurtma . Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV. Navbatchi: S.MARDIYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. ISSN-201667X 91772010667009 Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling. Sotuvda narxi kelishilgan holda